Адл ила олам юзин обод қил

# Куч – адолатда

2020 йил
4 сентябрь,
жума
№ 32 (805)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг **кейинги босқичдаги вазифалари** этиб белгилансин:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган **интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш,** ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг **онлайн кузатиб борилишини таъминлаш,** суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан **электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;**

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг **очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;**

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини **онлайн тарзда олиш** имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш,** хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш **дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан **аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш** ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида **ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;**

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида **"SMS" хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;**

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга **онлайн тарзда,** уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида **10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни** йўлга қўйиш;

2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари **инфратузилмасини янада яхшилаш.**

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича **"йўл харитаси"** (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**28 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан **бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш;**

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали **фуқаронинг мулкий ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш;**

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Белгилансинки, Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қуйидаги имкониятларни берувчи **"Адолат" ахборот тизимлари комплекси** жорий этилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан **судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;**

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини **онлайн тарзда кузатиб бориш;**

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда **автоматлаштирилган равишда шакллантириш.**

6. Олий суд 2020 йил якунига қадар:

суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи **мобиль дастурни ишлаб чиқсин** ва уни амалиётга жорий этсин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида **видеоконференцалоқа режимида иштирок этишлари имконини берувчи ускуналар** билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

7. Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон мурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган **саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш;**

Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва мурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини **онлайн тарзда назорат қилиш тартибини** ўрнатиш.

(Давоми 2-бетда) ▶

**30 август куни бир гуруҳ устоз ижодкор зиёлилар ҳамроҳлигида юртимизда барпо этилган янги бинолару иншоотлар билан танишдик. Пандемия даври бўлишига қарамасдан юртимизда изчил давом этаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларини кўриб, кўз қувонади, дил яйрайди.**

*Бунёдкорлик*

## Янги Ўзбекистонимиз янги тарихий паллада



Бир кун олдин Президентимизнинг мазкур янги объектларга ташриф буюрганликларини телевизор орқали ҳаяжон билан кузатгандим. Энди ўзимизга ҳам айнан шу жойларга бориш, янги-янги бунёдкорлик обектлари билан танишиш имконияти насиб қилди. Бунинг устига, устозлар ҳамроҳлигидаги саёҳатнинг гашти ўзгача. Шубҳасиз, бу тадбир биз, ёшлар учун бир умрга эсда қоларли воқеа бўлди.

Тадбир аввалида Юнусобод ерости метро линияси билан танишиб, метронинг "Бодомзор" бекатидан "Туркистон" бекатига қадар ҳаракатландик. "Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши", деган ҳикмат нақадар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Янги метро бекатлари нафис дид билан ишланган.

Яна бир диққатга молик жиҳат: янги метро линияси иқтисодиёт ва экология жиҳатидан улкан аҳамиятга эга. Унинг ишга тушиши сабабли, автобуслар йўналиши оптималлашгани эвазига йилига 5,3 минг тонна зарарли газлар атмосферага чиқишининг олди олинади!

Чиндан ҳам, метрони бежиз энг арзон, хавфсиз ва қулай транспорт дейишмайди.

(Давоми 4-бетда) ▶

## Даъвони таъминлаш бўйича суд амалиётини такомиллаштириш

*низоларнинг белгиланган муддатда қонуний ва адолатли ҳал этилишига замин яратади*

**Мамлакатимиз ҳаётининг ҳар бир соҳасида бўлгани каби тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, юртимиз инвестициявий жозибадорлигини ошириш, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мезонларидир.**

Конституциямизнинг 44-моддасига асосан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ушбу кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуқ Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддаси иккинчи қисмида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

**Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди, дейди доно халқимиз. Кундалик ҳаётимизда бунга мисоллар жуда кўп. Айниқса, муқаддам ноҳақ судланган шахсларнинг йиллар ўтиб, оқланаётгани ана шу синмас ҳақиқатнинг ёки беқиёс адолатнинг чинакам тантанасидир.**

*Оқлов*

## Адолат тантанаси

*оқлов ҳукмлари ва ажримларида яққол намоён бўлмоқда*

Шу маънода айтганда, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судлари томонидан 2020 йилнинг биринчи ярми мобайнида 5 нафар шахс оқланди. Натижада уларнинг элу юрт, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ ва ёру биродарлари орасида юзи ёруғ бўлди. Оила аъзоларининг эса, амалдаги қонунларимизга ишончи, Ватанга садоқати, меҳру муҳаббати янада ортгани шубҳасиз.

Масалан, Наманган вилоят божхона бошқармасининг "Нанай" божхона пости инспектори вазифасида ишлаган Анварбек Азизов ҳам ўз вақтида ноҳақликдан азият чеккан ҳамюртларимиздан биридир. Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2010 йил 29 сентябрдаги ҳукмида қайд этилишича, А.Азизов "Нанай" божхона пости инспектори, яъни масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда 2010 йил 10 март куни Ю.Эминжонов томонидан Қирғизистон Республикаси Ахси тумани Караван шаҳарчасидаги бозордан сотиб олинган ва "Ахси-Мамай" айланма йўллари орқали божхона назоратини четлаб олиб ўтилган 12 тонна уруғлик картошкани қонуний расмийлаштирмаслик эвазига ундан 100.000 сўм пора олган.

(Давоми 3-бетда) ▶



*Ифтихор*

## Ўзбекистон янги Ренессанс марказига айланмоқда



*Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.*

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, илм-фан, маърифат соҳаси вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал бойликнинг қадр топаётгани халқимизнинг тарихи, тийнати, менталитети, асрий қадриятлари, орзу-умидлари билан бевосита боғлиқ.

Президентимизнинг **"Дунёда энг катта бойлик — ёшликда олинган билим ва эгалланган касб-ҳунардир"** деган фикрлари бежиз эмас. Тарихий мисолларга мурожаат қилайлик:

Буюк аждодимиз **Абу Али ибн Сино** 4 ёшида Қуръонни тўлиқ ёд олган. Бугунги кунда Қуръони Каримдан кейинги муборак китоб дея тан олинган "Саҳиҳи Бухорий"ни тузган алломамиз **Имом Бухорий** 11 ёшида устози ад-Дохилийнинг илмидаги хатоликни тузатган.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Мезон*

## Терговдаги хато

*судланувчини ярашув ҳуқуқидан маҳрум қилди*

**Маълумки, Президентимиз томонидан 2020 йил 10 август куни имзоланган "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон тергов фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одил судлов самарадорлигини янада ошириш борасида муҳим қадам бўлди. Негаки, ушбу Фармон билан розилик берилаётган таклифлар, ўрнатилаётган тартиблар мамлакатимизда адолатни қарор топтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Шунинг учун ҳам, ушбу ҳужжатнинг ҳар бир бандига мувофиқ жорий этиладиган янгиликлар эътирофга молик.

Айтиш керакки, Фармоннинг 3-бандига кўра, розилик берилаётган шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси ёки шу қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш масаласини олайлик.

Эътироф этиш керак, бу янгилик шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи, яъни айбини бўрттириб, ҳаракатини нотўғри квалификация қилиш натижасида шахсни ярашув ҳуқуқидан маҳрум этувчи ҳолатларга барҳам беради.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

8. "UNICON.UZ" фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази" давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар зиммасига суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилиши режалаштирилган **ахборот тизимларини ишлаб чиқиш** ҳамда уларнинг **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш вазифалари** юклатилсин.

Белгилансинки, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактабининг буюртмаси асосида доимий равишда "UNICON.UZ" фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази" давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар томонидан амалга оширилади, уларни ишлаб чиқиш учун шартномалар белгиланган тартибда тузилади ҳамда шартнома нархи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган ўртача бозор нархи асосида шакллантирилади.

9. Ҳудудларда судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бириктирилсин.

Олий суд Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга** қадар кейинги йил учун судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш юзасидан ҳудудлар кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

10. Судьялар олий мактаби бир ой муддатда судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модулини киритсин.

11. Белгилансинки:

суд тизими учун дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

судлар фаолиятини рақамлаштиришда зарур компьютер, сервер ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Мазкур қарорнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

**Олий суд раиси** (К.Камилов) ва **Судьялар олий кенгаши раиси** (Х.Ёдгоров) Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида ҳамда халқаро анжуманларда суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этиладиган ахборот тизимларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдаги аҳамиятини муҳокама қилсин, шунингдек, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш чораларини кўрсин;

**Олий суд раиси** (К.Камилов), **ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири** (Ш.Садиков) Дастур ва "Йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин;

**инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари** (Л.Қудратов) **Олий суд раиси** (К.Камилов) билан биргаликда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича қарорда белгиланган лойиҳалар ва тадбирлар ижросини таъминлаш учун халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи** (О.Умаров) Дастур ва "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига кўмаклашсин;

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори** (А.Ходжаев) Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва "Дунё" ахборот агентлиги билан биргаликда аҳоли, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамжамияти орасида суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳақида кенг тарғибот ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ижтимоий роликларни мунтазам равишда жойлаштириш чораларини амалга оширсин.

13. Олий суд, Судьялар олий кенгаши мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда **ахборот бериб борсин.**

14. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 3 сентябрь*

*Ифтихор*

# Ўзбекистон янги Ренессанс марказига айланмоқда



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Улуғ шоир ва мутафаккир **Алишер Навоий** 6 ёшида шеърлар ёза бошлаган ва Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини ёддан билган. Ҳассос шоир ва шоҳ бобокалонимиз **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** эса, 12 ёшида тахтга ўтирган.

Аждодларимиз нима учун бу қадар етук олиму шоир, алломаю маърифатпарвар, бир сўз билан айтганда, буюк инсонлар бўлган?

Чунки, аввало, улар жаҳолатга берилмаган, кимнидир ғийбат қилиб, олтиндан қиммат вақтини зое қилмаган. Ўзининг идрокини, азму қудратини илмга сарфлаган, билимини муттасил бойитган.

Янада муҳими, аждодларимизнинг маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, "илиги тўқ" бўлган. Зеро, улар бир эмас, иккита Ренессанс маърифатининг қаймоғидан баҳраманд бўлганлар.

**"Ренессанс" ("renaitre")** — французча сўз бўлиб, қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, деган луғавий маъноларни англатади. Ўзбек тилидаги **"Уйғониш даври"** тушунчаси ушбу атаманинг синоними, яъни маънодоши ҳисобланади.

Ренессанснинг асосий аломатлари тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизғин куйлаш, инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш мисолида ёрқин намоён бўлади. Натижада ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улуғвор бадиий асарлар яратилади, муҳташам меъморий иншоотлар бунёд этилади, илм-фан ривожланади.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, **"Авесто"**да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илғор ғоялар илгари сурилган.

Ўзбекистон ҳудудлари тарихан **Буюк ипак йўли**нинг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳамиша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар. Бу ҳудудларда қадимги замонлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасалари, яъни университетлари мақомида бўлган, дейиш мумкин.

**Биринчи Шарқ Уйғониш даври** — IX-XII асрларда минтақамизда юз берган **"Мусулмон Ренессанси"** ҳисобланади. Бу даврда улуғ алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарийнинг фалсафий асарлари башарият тафаккур хазинасини бойитди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Х асрнинг охирига келиб, Самарқандда 17 та мадраса фаолият юритган. Бу мадрасаларда ислом таълимоти билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Ҳатто ўз даврида нафақат шоир, балки файласуф ва фалакиётшунос сифатида дунё миқёсида танилган **Умар Хайём** ҳам Самарқандда таҳсил олган.

**Иккинчи Шарқ Уйғониш даври** — XIV-XVI асрлардаги иккинчи **"Темурийлар Ренессанси"**дир. Бунда Амир Темур бунёд этган улуғ салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки буюк Соҳибқирон дунёнинг турли минтақаларидан



олиму адиблар ва меъмору ҳунармандларни ўз салтанати пойтахти Самарқанд шаҳрида жамлаган. Илму маърифат ва касб-ҳунар соҳибларини рағбатлантирган, бой кутубхона, расадхона ва мадрасалар бунёд эттирган.

Жумладан, **Мирзо Улуғбек** мадрасасида (риёзиёт) математика, (илму нужум) астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт, тарих, фалсафа, адабиёт каби ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанларнинг ўқитилиши **иккинчи "Шарқ Ренессанси"**нинг вужудга келишига туртки бўлган. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Али Қушчи сингари кўплаб мутафаккирларимизнинг боқий номи ва бой мероси нафақат минтақамизнинг маънавий ривожида, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутади.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанси ана шу буюк аждодларимизнинг илм-маърифат, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

**"Нур — Шарқдан таралади"**, деган эди немис файласуфи **Георг Гегель.** Бинобарин, Шарқ Уйғониш даври ютуқлари Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври, хусусан, XIV-XVI асрлардаги **Италия Ренессанси**га бевосита таъсир кўрсатган.

Айниқса, туташ чегара мамлакатлари: Қурдоба (Испания), Кавказ, Болқон ярим оролида бу жараён кучли бўлган. Европаликлар Шарқ олимларининг асарларини лотин, испан, яҳудий тилларига қилинган таржималар орқали ёхуд бевосита араб тилида ўқиб-ўрганганлар.

Шарқнинг икки Ренессанси, яъни илмий-маърифий Уйғониш даврига асос солган улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва ҳозирги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Бугунги кунда биз учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўрт йилда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла чақиб кўрсак, **навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.**

Бу, ўз навбатида, ҳар биримизга, бир томондан, чексиз фахру ифтихор бағишласа, иккинчи томондан, катта масъулият юклайди. Тарихий ҳақиқат шуки, бирон-бир мамлакатнинг дунё цивилизациясига ҳисса қўшган олимлари сони Ўзбекистон заминида етишиб чиққан олимлар каби кўп эмас. Буни гапиришга, бундан фахрланишга бизнинг маънавий ҳаққимиз бор.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда **дунё миқёсидаги жами бойликнинг 16 фоизи — ишлаб чиқариш воситалари, 20 фоизи — табиий ресурслар ҳиссасига тўғри келар экан. Инсоният эга бўлган барча бойликнинг қолган 64 фоизи, яъни учдан икки қисми эса, бевосита инсон салоҳияти, унинг билими ва тажрибаси эвазига орттирилган.**

Шу маънода, барча соҳаларда илғор тараққиёт йўлидан бораётган ва юксак марраларни забт этаётган юртимиз учун билимли ва тажрибали, ҳар томонлама етук кадрлар керак. Давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бунинг учун мустаҳкам замин яратилди. Мактабгача таълим, умумтаълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда.

Шу тариқа бугунги кунда мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, **2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илғор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт".**

Президентимиз томонидан 2017 йил 20 апрелда "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Шу ва кейинчалик қабул қилинган бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масаласига жиддий аҳамият берилди.

Бунда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш асосий мақсад этиб белгиланди.

Натижада **сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди.** Жорий йилда олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, **"Замонавий мактаб" дастури**ни жорий этиш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Жорий ўқув йилидан мактабларда **"Тарбия" фани**дан дарс ўтилади.

**Мактаб — бу ҳаёт-мамот масаласи,** келажак масаласи, дейди мамлакатимиз раҳбари. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Атоқли француз адиби Виктор Гюгонинг: **"Мактаб очган одам бамисоли қамоқхонани ёпгандек гап",** деган ҳикматли ибораси бунга яққол мисолдир. Яъни, мактаб, таълим, тарбия бор жойда болалар ёмон йўлга кирмайди, жиноят содир этмайди. Демак, қамоқхоналарга зарурият қолмайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда 11 йиллик мактаб таълими тиклангани алоҳида диққатга лойиқ. Энг асосийси, юртимизда **"мактабгача таълим — мактаб таълими — олий таълим"** силсиласи тимсолида миллий таълимнинг узлуксиз тизими яратилди.

**Кейинги тўрт йилда Президентимиз ташаббуси билан Наманганда — Исҳоқхон Ибрат, Жиззахда — Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Қаршида — Абдулла Орипов, Марғилонда — Эркин Воҳидов, Нукусда — Ибройим Юсупов, Андижонда — Муҳаммад Юсуф, Гулистонда — Ҳалима Худойбердиеванинг махсус ижод мактабларига асос солинди.** Ўз навбатида, иқтидорли болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда ташкил этилган **Президент мактаблари** янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз. Чунки бу ўқув масканлари иқтидорли болаларни аниқлаш, илғор технологияларни қўллаган ҳолда, уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизимга айланди. Таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йил — илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган. Юртимизда аввалдан шаклланган илмий мактаблар салоҳиятини ҳисобга олиб, ҳозирги босқичдаги миллий манфаатларимиз ва тараққиётимиз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, бу йил математика, кимё, биология, геология фан ва соҳаларини ривожлантириш танлаб олинган.

Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистоннинг математика фани бўйича салоҳияти дунё миқёсида тан олинган. Қолаверса, функционал таҳлил ва дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишлари бўйича нуфузли мактабларимиз шаклланган бўлиб, айни пайтда самарали фаолият юритмоқда. **Етти нафар математик олимимиз Бутунжаҳон фанлар академияси аъзоси ҳисобланади.**

Кўплаб хорижий илм-фан марказлари, хусусан, Бонн, Кембриж, Париж, Сеул каби йирик шаҳарлардаги етакчи илм даргоҳлари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 9 июлдаги математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришга оид қарорининг ижроси доирасида пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг Математика институти учун замонавий талаблар асосида янги бино барпо этилмоқда.

Ана шундай янги турдаги, энг замонавий таълим муассасаларида таҳсил оладиган **ёшларимиз, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг "олтин фонди" ҳисобланади.** Бу, ўз навбатида, ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз борлигидан, демакки, Ўзбекистонда том маънода янги Уйғониш даврининг пойдевори қўйилганидан далолат беради.

Энг асосийси, фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **"Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас".**

**Акмал САИДОВ,**
*академик*



*Оқлов*

# Адолат тантанаси

### *оқлов ҳукмлари ва ажримларида яққол намоён бўлмоқда*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шунингдек, А.Азизов 2010 йил 15 март куни мунтазам равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланувчи Ж.Жўраевнинг 10 тонна пиёз ва турп маҳсулотларини Қирғизистон Республикаси Ахси тумани Подшо-ота қишлоғига божхона назоратини четлаб олиб чиқиб кетишини аниқ била туриб, ушлаш чораларини кўрмаган, ундан 200.000 сўмни пора тариқасида олган. Орадан 20 кун ўтгач, 2010 йил 5 апрель куни эса, Ж.Жўраев билан 19 тонна лавлаги ва пиёзни Қирғизистон Республикасига божхона назоратини четлаб олиб чиқиб кетиш ҳақида жиноий тил бириктириб, яна 200.000 сўм пора олган.

Бундан ташқари суд ҳукмида А.Азизовнинг 2010 йил 10 апрель куни ҳам пора олганлиги қайд этилган. Аниқроғи, шу куни Янгиқўрғон тумани марказида Ж.Жўраев бошқарувидаги 7 тонна турп юкланган "КамАЗ" автомашинаси тегишли идора ходимлари томонидан ушланади. Сўнг улар маҳсулотни Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш мақсадида, А.Азизов ва божхона пости бошлиғи Р.Мамажоновга фуқаро Б.Ҳакимовнинг яшаш хонадонига олиб бориб тушириш ҳақида буйруқ беришади. Бироқ А.Азизов турп маҳсулотини Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетишга ўзи ёрдам бериши ҳамда бу ҳолатни расмийлаштирмаслик эвазига хонадон соҳибидан 100.000 сўм олган. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Суд эса, уни Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а,г"-бандлари, 210-моддаси 3-қисми "б"-банди билан айбдор деб топиб, Жиноят кодексининг 45 ва 59-моддаси тартибида 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан ҳамда 10 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этган.

Шундан сўнг А.Азизов 3 йилу 3 ой мобайнида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган. Кейин эса, қолган жазо муддати ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан амалга оширилаётган ислоҳотлар собиқ божхона инспекторига ҳам катта умид бағишлади. Бинобарин, у ўзининг айбсизлигини тасдиқловчи бир қатор важларни келтириб, кассация шикоятини берди ҳамда оқлов ажрими чиқаришни сўради.

Буни қарангки, кассация суди мажлисида гувоҳлик берган Ю.Эминжонов ва Б. Ҳакимов А.Азизовга 100.000 сўм беришгани ҳақидаги кўрсатма ёлғон эканлиги, ўша пайтда тергов ҳибсхонасида адвокат иштирокисиз бу кўрсатмани тазйиқ остида беришганини маълум қилишди. Қолаверса, "Нанай" божхона пости бошлиғи вазифасида ишлаган гувоҳ Р.Мамажонов 2010 йил 10 апрель куни А.Азизов "КамАЗ" автомашинасига юкланган 7 тонна турп маҳсулотини Б.Ҳакимовнинг уйига туширтириб, хабар бергани, кейин унинг ўзи бу ҳақда тегишли идора ходимларига ахборот берганини қайд этиб кўрсатма берди.

Кўриниб турибдики, жиноят ишида гувоҳ Ю.Эминжонов ва ушбу иш бўйича судланган Б.Ҳакимовнинг тазйиқ остида берган кўрсатмаларидан ташқари А.Азизовнинг пора олганлигини тасдиқловчи бирон-бир далил мавжуд эмас. Шундай экан, А.Азизов божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги ва пора олганлигига оид бирор-бир далил тўпланмай асоссиз айбланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 464-моддасига мувофиқ, жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, суд оқлов ҳукми чиқаради. Кодекснинг 493-моддасида эса, жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб, суд ушбу кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбдор деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилиши ва жиноят ишини тугатиши назарда тутилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги (А.Азизовга нисбатан суд ҳукми эълон қилинган пайтда амалда бўлган) "Далиллар мақбуллигига оид жиноят процессуал қонун нормаларини қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 3-бандида кўрсатмаларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатмаларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олиниши, маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса, далилларнинг номақбул деб топилишига олиб келиши, Жиноят-процессуал қонуни талаблари бузилган тарзда олинган бошқа ҳолларда ҳам, далиллар номақбул деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди юқорида қайд этилган асосларга таянган ҳолда ўзининг 2020 йил 18 февралдаги ажрими билан суднинг 2010 йил 29 сентябрдаги ҳукмининг А.Азизовга оид қисмини бекор қилиб, унинг ҳаракатларида жиноий ходиса юз бермаганлиги сабабли айбсиз деб топди ва оқлади.

Шундан сўнг А.Азизовнинг ҳуқуқлари тикланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги уч ярим йилдан зиёд вақт мобайнида республикамизда 2300 нафарга яқин муқаддам судланган шахслар Президентимизнинг адолатни қарор топтиришга қаратилган оқилона сиёсати туфайли оқланди.

Бу рақамлар ортида неча минглаб, балки миллионлаб ўксик қалбларнинг адолат тантанасига ишончи улғаймоқда. Зеро, донишманд халқимизнинг "Бирники — мингга, мингники — туманга" деган пурмаъно нақлида ҳам ибратга лойиқ воқеликларнинг улуғвор аҳамияти тараннум этилади. Чиндан ҳам, бу ўксик дилларга ёруғлик олиб кирган юксак ижтимоий ҳодисалардир.

**Давлатмирза КАМИЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Мезон*

# Терговдаги хато

### *судланувчини ярашув ҳуқуқидан маҳрум қилди*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу ўринда мен фикрларимнинг исботи тариқасида, бир жиноят ишига эътиборингизни қаратмоқчиман. Олтиариқ туманида яшовчи Элмурод Жамолов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2019 йил 1 февраль куни туманнинг Повулғон маҳалласида истиқомат қилувчи таниши Исоқжон Ҳикматов билан учрашиб қолади. Шунда Элмурод Исоқжоннинг айни пайтда 2500 АҚШ доллари пули борлигини ва шунга автомашина сотиб олиб, қолган пулларни бўлиб-бўлиб тўлаш ниятида эканлигидан хабар топади.

Натижада ўзи ижара шартномаси асосида бошқариб юрган, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида яшовчи Улуғбек Нуриддиновга тегишли "Спарк" русумли автомашина ўзиники эканлигини айтиб, уни алдайди. Яъни "Спарк"ни 6.500 АҚШ долларига сотишини, олдиндан ўша 2500 АҚШ долларини берса, қолган пулларни автомашинани номига ўтказиб олганидан сўнг бериши мумкинлигини айтади. Соддадил Исоқжон эса, унинг гапига лаққа тушиб, 2500 АҚШ долларини Элмуроднинг қўлига тутқазади. Бироқ орадан икки ой ўтгач, Э.Жамолов автомашинани вақтинча ҳайдаб туриш баҳонаси билан олиб, У.Нуриддиновга бериб юборади. И.Ҳикматовнинг 2500 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари 8384,94 x 2.500 = 20.962.350 сўм) миқдоридаги пулларини эса, ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлайди. Бинобарин, унга нисбатан Олтиариқ тумани тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а"-банди билан жиноят иши қўзғатилади.

Лекин ушбу жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди тергов органи томонидан судланувчининг хатти-ҳаракатлари Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а"-банди билан нотўғри квалификация қилинган, деган хулосага келди. Негаки, Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а"-бандида фирибгарликни анча миқдорда содир этиш назарда тутилган. Жиноят кодексининг 8-бўлимига биноан эса, анча миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордир. Агар 2019 йил 1 августдан бошлаб, базавий ҳисоблаш миқдори 223.000 сўм қилиб белгиланганини инобатга олсак, шундан буён анча миқдор 22.300.000 сўмдан 66.900.000 сўмгача бўлган қийматни ташкил этади. Аммо 2020 йил бошида ўтказилган тергов жараёнида 2500 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари 8384,94 сўмга тенг)нинг миллий валютадаги қиймати — 20.962.350 сўм анча миқдорни ташкил қилмаслиги инобатга олинмаган. Шу боис, суднинг 2020 йил 18 июндаги ҳукми билан Э.Жамоловнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинди. Қолаверса, суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 2-бандида Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Жиноят кодексининг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги белгиланганлигини назарда тутиб, кодекснинг 70-моддасига асосан, судланувчини жазодан озод қилди.

Энди ҳақли мулоҳаза туғиладики, агар тергов жараёнида Э.Жамоловнинг қилмиши Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан тўғри малакалаганда эди, ярашув институтига мувофиқ, судланувчини жазодан озод қилиш мумкин бўларди. Чунки Жиноят кодексининг $66^{1}$-моддасига кўра, агар келтирилган зарар қопланган бўлса, Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган доирага тушади. Ярашув институти қўлланганда эса, айбдор судланмаган ҳисобланади. Бошқача айтганда, мазкур жиноят ишини малакалашда терговчи судланувчини ярашув ҳуқуқидан маҳрум қилган. Шунинг учун суд келгусида бундай камчиликларнинг олдини олиш ва амалда бундай хатоликка йўл қўймаслик борасида тегишли чоралар кўриш юзасидан хусусий ажрим чиқариб, Олтиариқ туман ички ишлар бўлимига юборди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз Фармонининг юқорида биз тилга олган хатбошиси амалга киргач, келгусида мисол келтирганимиз каби ҳолатлар бўйича суд жараёнида ярашув институтини қўллаш мумкин бўлади. Умуман олганда, мазкур тарихий ҳужжат қонун устуворлиги ва одил судловни таъминлаш борасидаги эзгу ишларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб қолади.

**Худойберди ХОЛИҚОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани судининг судьяси*

***Оила — муқаддас қўрғон. Уни асраб-авайлаш ҳамда муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан биридир. Зотан, аҳил ва ҳамжиҳат оилаларда оқил фарзандлар камол топишини эътиборга олсак, оилани аҳиллик ила мустаҳкамлаш ва тотувлигини таъминлаш ҳар бир ота-она зиммасига улкан масъулият ҳиссини юклайди.***

*Турмуш чорраҳаларида*

# Фарзанд камоли

### *ота-она зиммасига алоҳида масъулият юклайди*

Бироқ ҳаётда турли баҳоналарни рўкач қилиб, оилавий муносабатларга совуқчилик тушираdиган, ҳатто қўйди-чиқдигача борадиган ёш оилаларнинг бот-бот учраётганлиги, энг ёмони, бунинг жабрини норасида фарзандлар тортаётганлиги ачинарлидир.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Яккабоғ туманида яшовчи (исм-шарифлар ўзгартирилди) Шавкат ҳамқишлоғи Гулнозага 2011 йилда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда, тўй-томоша қилиб уйланди.

Аввалига улар бинойидек яшашди. Бу орада икки нафар фарзанд дунёга келди. Аммо кейинчалик ҳамма кўрса ҳавас қилгудек бу оилага негадир "кўз тегди". Аниқроқ айтадиган бўлсак, эр-хотин ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликлар келишмовчиликка айланди, табиийки, ноўрин, беҳуда рашк ва гап-сўзлар боис, оила қўрғонига дарз кета бошлади.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Қилмиш-қидирмиш*

# Саробни қувлаб...

**Инсон жисмига гард қўнса, уни бир зумдаёқ ювиб тозалаш мумкин. Аммо қалбни безовта қилган доғни ювиш анча мушкулдир. Тан жароҳати тиббий муолажалар кўмагида бир кунмас, бир кун албатта, тузалади, аммо руҳий жароҳатни даволаш амри маҳол. Энг ёмони, унинг касри бошқаларга ҳам азоб беради.**

Боғотлик Дониёр Абдуллаев ҳам шундай бехосият "дард"га чалинди: сароб ўй-хаёллар бу ёш йигитнинг оромини ўғирлади. Унинг исканжасига тушиб, дилини жароҳатлади. Аслида алифни калтак деса-да, диний илмда ўзини пешводай тутди.

Ҳайриятки, виждони бор экан, кейинчалик барини тан олди. Маълум бўлишича, диний ақидалар аслида унинг етти ухласа-да, тушига кирмаган. Бари 2015 йил отаси билан Россия Федерациясининг Нижний Новгород шаҳрига ишлагани борганидан сўнг рўй берган. Даставвал савдо-сотиқ юмушлари билан шуғулланган, қурилиш жабҳасида ҳам ишлаган. Кейинчалик эса, ўзини сарҳадсиз интернет домига ташлаган. Ушбу олам воқеаларини кузатаркан, диний таълим ва даъватга оид ёт қарашлар таъсирига тушиб қолган.

Бу сингари фаҳми суст, ишонувчан кимсаларнинг табиати диний бузғунчилик оқими "пешво"ларига яхши маълум. Улар томонидан чексиз-чегарасиз интернет дунёси саҳифаларига жойланган ёт исломий қарашлар, ғоя, даъват, маъруза ва чақириқлар, аудио ва видео тасвирлар айнан шу янглиғ иймони суст кимсаларни тўғри йўлдан оздиришга қаратилган.

Дониёр ушбу мазмундаги сафсаталарни аввалига ўзи ўқиб-ўрганди, сўнгра чор-атрофдагиларга ҳам оқизмай-томизмай етказиш режасини тузди. Судда тан олиб айтдики, Россия Федерациясида ўтган бир неча йиллик ҳаёти диний ақидапарсатликка дахлдор воқеалар, даъват ва ундовлардан йироқ кечмаган. 2018 йилга келиб, мўмин-мусулмонлар оламида фитна қўзғовчи даъват ва маърузалари билан интернетнинг бузғунчи саҳифаларига аллақачон уя қуриб олган Абдуллоҳ домла, Маҳмуд Абдулмўмин сингари бузғунчи кимсаларнинг ундов ва чақириқларини тинглаш, ёд олиш билан кифояланмай уларни узоқ-яқиндаги таниш-билишларига тарқатишга ҳам киришган.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

# Даъвони таъминлаш бўйича суд амалиётини такомиллаштириш

### *низоларнинг белгиланган муддатда қонуний ва адолатли ҳал этилишига замин яратади*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Иқтисодий процессуал кодексининг 93-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг аризаси даъвони таъминлаш чораларини кўриш учун асос бўлади.

Даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

Ушбу қоида Фуқаролик процессуал кодекснинг 105-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Даъвони таъминлаш чораларини кўриш суд ҳужжатининг ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 93-моддаси учинчи қисмида давлат фойдасига мулкий ундириш билан боғлиқ ишлар бўйича суд даъвогарнинг аризасига кўра, даъвони таъминлаш чораларини кўриши шартлиги белгиланган.

Худди шундай норма Фуқаролик процессуал кодексининг 105-моддаси учинчи қисмида ҳам кўзда тутилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 94-моддасига асосан қуйидагилар, яъни:

- жавобгарга тегишли мол-мулкни ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;
- жавобгарга муайян ҳаракатларни бажаришни тақиқлаш;
- бошқа шахсларга низо предметига алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни бажаришни тақиқлаш;
- даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш;
- мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилган тақдирда, мол-мулкни реализация қилишни тўхтатиб туриш;
- низоли мол-мулк бузилиши, ҳолати ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида, жавобгарнинг зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклатиш;
- низоли мол-мулкни учинчи шахсга, демакки, сақловчига ўтказиш мумкин.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза судга даъво аризаси билан бир вақтда ёки ишни юритиш жараёнида берилади. Шунингдек, даъвони таъминлаш тўғрисидаги илтимоснома даъво аризасида ҳам баён этилиши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодексининг 96-моддаси биринчи қисмига асосан, даъво аризаси билан бирга берилган даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бир вақтда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан суд томонидан кўриб чиқилади.

Бу ҳақда Олий хўжалик суди Пленумининг 2015 йил 19 июнда қабул қилинган "Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 18-бандида тушунтириш берилган.

Судлар томонидан даъвони таъминлаш чораларини кўриш низони биринчи суд муҳокамасида кўрилгунга қадар бартараф этишга катта ёрдам беради. Шу ўринда суд амалиётига мурожаат қилсак.

Даъвогар — масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) жавобгар — акциядорлик жамиятига (АЖ) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ундан маҳсулот етказиб бериш шартномасига асосан, 33.000.000 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Шунингдек, даъво аризасида даъвони таъминлаш мақсадида жавобгарга тегишли бўлган пул маблағларини хатлаш чораларини кўриш сўралган.

Суд ажрими билан даъвони таъминлаш чораси кўрилиб, жавобгарга тегишли пул маблағларининг 33.000.000 сўм миқдорига тенг чиқим қисми, яъни бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ҳамда иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ тўловлардан ташқари қисми иш мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал қилингунга қадар хатлаб қўйилган.

Ажрим нусхаси жавобгарга хизмат кўрсатувчи банкка ижро учун юборилган.

Суднинг ажрими банк томонидан ижро қилиниб, биринчи суд муҳокамасида жавобгар томонидан даъвогарнинг ҳисобига 33.000.000 сўм тўланганлиги ҳамда низо бартараф этилганлиги аниқланган.

Шу сабабли, суд томонидан даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори ҳамда даъвони таъминлаш чорасини бекор қилиш тўғрисида ажрим қабул қилинди.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, Иқтисодий процессуал кодексининг 97-моддасига кўра, даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади. Даъвони таъминлаш чорасини алмаштириш ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра, амалга оширилиши мумкин.

Даъвони таъминлаш чорасини алмаштириш тўғрисидаги масала суд мажлисида ҳал этилади. Бу масалани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Даъвони таъминлаш чорасини алмаштириш ёки алмаштиришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши, протест келтирилиши мумкин. Аммо шикоят ё протест берилиши ажримнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Шу билан бирга, процессуал қонунчиликда даъвони таъминлаш чорасини бекор қилиш тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, даъвони таъминлаш чоралари ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра, бекор қилиниши мумкин.

Даъвони қаноатлантириш рад этилган, даъво кўрмасдан қолдирилган, иш юритиш тугатилган ҳолларда, даъвони таъминлаш чоралари тегишли суд ҳужжати қонуний кучга киргунига қадар ўз кучини йўқотмайди.

Бироқ суд кўрсатилган суд ҳужжатларини қабул қилиш билан бир вақтда ёки улар қабул қилинганидан кейин даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

Шу ўринда судлар томонидан даъвони таъминлаш чораларини қўллаш бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, Олий суд Пленумининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу, ўз навбатида, судлар томонидан даъвони таъминлаш чораларини кўришда суд амлиётини бирхиллаштиришга, низоларнинг белгиланган муддатда қонуний ва адолатли ҳал этилишига замин яратади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, даъвони таъминлаш чораларини кўриш тадбиркорлик субъектлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

**Мақсудбек САИДОВ,**
*Бухоро вилояти иқтисодий судининг раиси*

*Мулоқот*

# Савол беринг, жавоб берамиз

**— Айтинг-чи, қарз шартномасида қарздор қарз берувчидан пулларни фоизга олаётганлиги тўғрисидаги шартларни кўрсатиш мумкинми?**



— Ҳа, нафақат мумкин, балки шартдир. Чунки қарз шартномаси, умумий қоидага кўра, ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади, фоиз миқдори эса, (агар фақат қонун ёки шартномада фоиз тўланмаслик хусусияти ўрнатилмаган бўлса), Фуқаролик кодексининг 734-моддасига биноан, шартнома билан белгиланади. Ушбу шартномада фоиз миқдори тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлмаса, бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз тўлаш (Фуқаролик кодексининг 327-моддаси) бўйича қоидаларга биноан амалга оширилади. Тарафларнинг келишувига кўра, фоизлар пул ёки натура шаклида тўланиши мумкин. Бу қарзнинг предмети (унинг хусусияти)га боғлиқ бўлмайди. Агар ашёларни қарзга олиш қонунда тўғридан-тўғри бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, фоизсиз ҳисобланади.

**— Қарз шартномасида кўрсатилган устама фоизларнинг миқдори, яъни энг паст ва энг юқори фоиз миқдори қонунда белгиланганми?**

— Йўқ, белгиланмаган.

Қарз шартномаси бўйича фоизлар тарафлар томонидан келишилган ҳар қандай ҳолатда тўланиши мумкин. Махсус кўрсатма бўлмаган тақдирда эса, ҳар ойда, аммо шартномада қарз суммасини қайтариш муддатигача эмас, балки унинг ҳақиқий қайтарилиши кунигача тўланиб борилиши лозим.

Ушбу қоидани қарздор томонидан тўланган тўлов суммасининг етарли бўлмаганлиги қоидасига мувофиқ, умумий қоидага биноан, асосий сумма охирги навбатда қопланади. Демак, қарз фоизлари ҳам қарз суммасининг тўлиқ қопланганига қадар тўлаб борилади.

**— Қарзга берилган пул ёки бошқа мулкни қайтаришни таъминлаш мақсадида, бирон-бир қўшимча шартномалар тузиш қонунда назарда тутилганми?**

— Албатта назарда тутилган. Масалан, амалдаги Фуқаролик кодексининг 259-моддасига мувофиқ, мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминлаш мумкин.

**Саволларга Олий суд судьяси Фируз ТУРСУНОВ жавоб берди.**

*Бунёдкорлик*

# Янги Ўзбекистонимиз янги тарихий паллада

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Ш.Мирзиёев сўзлари билан айтганимизда, **"Бу йўл ҳамма нарсани тезлаштиради. Ҳаракатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам".**

Дарҳақиқат, шундай. Бугунги кунда Юнусобод туманида истиқомат қилаётган 340 мингдан зиёд аҳоли учун метро йўли узайтирилиб, янги бекатлар қурилгани жуда катта қулайлик яратди. Мутахассислар энди йўловчилар Юнусободдан шаҳар марказига 14 дақиқада етиб келишини таъкидлашмоқда. Қулай ва шинам вагонда ишга ўз вақтида хотиржам борасиз, хотиржам ишлайсиз, хотиржам уйга қайтасиз. Энг муҳими, вақтдан унумли, самарали фойдаланасиз. Шу эмасми ҳаракатнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам илдамлашгани!

Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишдик. Гўё аввалари тирбанд ва сершовқин бўлган бу кўчалар метрополетен ишга тушгач, бироз бўлса-да, енгил тин олгандек. Машиналар оқими бир маромда. Йўллар равон. Ён-атроф ўзгача гўзал манзара касб этган. Бу кўча ўртасидаги барпо этилган яшил ҳудуд ва кўча бўйларидаги дарахтлар кишига ўзгача гўзал ҳиссиёт бағишлайди. Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб 1850 та манзарали дарахт кўчати экилганлиги эса, кўча кўркига янаям кўрк қўшиб турибди.

Бу йўл Аҳмад Дониш, Амир Темур, Боғишамол каби кўплаб кўчалардаги тирбандликни камайтиради. Тошкент ва Қибрай туманлари аҳолисининг пойтахт марказига етиб бориш вақти 2 баробар қисқаради. Ушбу янги трассада бир кунда 60 мингтагача транспорт воситаси ҳаракатланиши мумкин.



Кейинги манзилимиз янги барпо этилган "Дўстлик-2" бекатидан "Қўйлиқ" бекатига қадар барпо этилган ер усти метрополитени бўлди. Айтиш керакки, метрополитенга ташриф буюрганимизда бизнинг қувончимиз ва ҳайратимиз икки карра ошди. Бу ерда оддий йўловчиларнинг кўзидаги ҳайрат ва қувончни шундоққина ҳис қилиб турдик.

Метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этилган. Янги йўналишнинг узунлиги 11,5 километр. Ҳар бир бекат йўловчиларга қулайлик яратувчи замонавий технологиялар, йўлкирани электрон тўлаш имконини берувчи турникетлар ҳамда эскалатор билан жиҳозланган. Имконияти чекланган йўловчилар учун махсус лифтлар ҳам ўрнатилган.

Ер усти метрополетени саёҳатидан олган бир олам таассуротларимиз билан кейинги манзил — янги қурилган "Texnopark" МЧЖ ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишгани йўл олдик.

Собиқ авиасозлик заводи ўрнидаги 101 гектарлик майдонда жойлашган ушбу ишлаб чиқариш мажмуасига 2019 йил 10 августда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган эди. Бу ерда 17 та йирик лойиҳа амалга оширилиши мақсад қилинган. Уларнинг биринчиси жорий йил февраль ойида ишга туширилиб, электрон газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Яшнобод туманидаги кўп тармоқли "Texnopark" ишлаб чиқариш мажмуасида "Samsung" бренди остида маиший совутгичлар ишлаб чиқариш корхонасининг очилиши ҳам қутлуғ байрамимизга муносиб тўёна бўлди.

Бизни ҳайратга солган яна бир жиҳати шу бўлдики, ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тўғридан-тўғри хорижга экспорт қилинади. "Texnopark" ҳудудидаги барча лойиҳалар ишга туширилиши билан 10 мингдан зиёд аҳоли доимий иш ўрни билан таъминланади!

Кейинги манзилимиз Қорасув канали бўйида бунёд этилаётган "Ассалом, соҳил" кўп қаватли турар-жой мажмуаси қурилиши бўлди. Бу ерда бунёд этилаётган маҳобатли турар-жой биноларига ҳайратланмай қарашнинг иложи йўқ! Ҳар бир ишчининг кўзида қувонч, ўз ишидан мамнунлиги кўриниб турибди. Тез орада қуриб битказилиши кутилаётган бу турар-жой объекти нафақат шаҳримиз кўркига кўрк, балки уйга эҳтиёжманд аҳолининг жонига аро кириши шубҳасиз.




Сафаримиз сўнггида "Фарғона йўли" кўчасида қурилаётган янги йўл билан танишишгани бордик. Ўзим ҳам шу ҳудудда яшаганим учун йўл қурувчи усталарнинг 24 соат тинмай меҳнат қилишларига яқин икки ойдан буён гувоҳ бўлиб келаман. Баъзан тирбандликларда туриб қолиб, йўлчиларимиздан хафа бўлганим ҳам бор гап. Лекин саёҳатимиз мобайнида уларнинг меҳнатига яна бир карра тан бердим, қойил қолдим. Шунда 108 ёшида оламдан ўтган Ҳайитгул момомнинг бир гапи ёдимга тушди. Катта амаким Икром ака йўлсоз. Момом шу амакимга айтарди: "Йўл қурган инсон жаннати бўлади. Чунки бу дунёда инсонларнинг оғирини енгил қилганлар, узоғини яқин қилганлар, у дунёю бу дунё шундай шарафга лойиқдир!"

Беихтиёр Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг меҳнат фахрийлари билан мулоқот чоғида айтган сўзлари ёдга тушади: **"Охирги йилларда Тошкент ўзгарди. Пешона теримиз билан ўзгартирдик. Минг қатла шукр, қўлимиз узун, ҳамма нарсамиз етарли. Бағримиз кенг бўлиб, Худодан сўраб ҳаракат қилсак, дуо олсак, кам бўлмаймиз".**

Ҳа, Янги Ўзбекистонимиз янги тарихий паллага қадам қўймоқда. Бу юртимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишларида яққол намоён бўлмоқда. Бу жараённинг қадрига етишимиз, унда фаол иштирок этишмиз эса, ҳар биримизнинг ва ҳаммамизнинг, айниқса, биз, ёшларнинг фуқаролик, ватанпарварлик бурчимиздир. Бундай жаннатмонанд юртнинг қадрига етайлик. Она Ўзбекистонимизни эъзозлайлик, бошимизга кўтарайлик.

**Сардор ҲАМРОЕВ,**
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

*Қилмиш-қидирмиш*

# Саробни қувлаб...

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бу борадаги қилмишларини кейинчалик ўз жонажон эли — Хоразм воҳасига қайтганидан сўнг яна давом эттирган. Ҳатто ақида ўрганишга қаратилган диний машғулотлар уюштиришдан ҳам тап тортмаган. Бевосита учрашувлар, юзма-юз суҳбатлар, мулоқотлар ҳамда уяли телефон орқали учирма қилган тасвирлар, даъват ва маърузалар эса, тезора яқин-йироқдаги танишлар, тенгқурлар, ҳатто ўз туғишган синглиси ва опасининг қалбини ҳам забт этган. Дониёр ва унга ҳамтовоқ бўлмиш "пешво"ларнинг фикрича, ислом таълимоти битта, аммо унга нисбатан қарашлар иккита эмиш. Бошқача айтганда, жаҳон саҳнидаги бир ҳовуч бузғунчилар ушбу таълимотнинг бир буржи, уларга қарама-қарши тарафдаги неча юз миллион мўмин-мусулмонлар эса, иккинчи буржини ташкил этишади ва озчиликдан иборат бузғунчилар ўзларидан чандон ҳисса кўп диндошларни ўз измига юргизмоқлари даркор ва бу ишни даъват, чақириқлардан ҳам кўра, жиҳод, яъни қирғинбарот урушлар, босқинлар, таъқиб, таҳдид ва тазйиқларга суянган ҳолда амалга ошириш зарур эмиш.

Таассуф. Дониёр бу борадаги қилмишларини баттар авж олдирди. Интернет маконида даъватчилик учун махсус "Йилдирим Боязид" профилини очди. Унга Маҳмуд Абдулмўминнинг 20 дан зиёд қўлланмалари, Абдуллоҳ исмли кимсанинг экстремистик руҳдаги маърузаларини жойлади. Жойлабгина қолмай, одамлар орасида фитна ва фисқу-фасод қўзғовчи тарғибот-ташвиқот воситаларини ўзининг ўнларча танишлари, қариндош ва маслакдошлари ҳукмига ҳам мунтазам ҳавола этиб борди. Бу билан ҳам чекланмай, иғво-бўҳтон тарқатувчи, бузғунчиликка етакловчи бир қанча сайтлар, профил ва саҳифалар орқали турли "даъват"лар, овозли ва тасвирли материалларни йиғиш, уларни ўз мобил телефони ва флешкарталар хотирасига жойлаш, ўз навбатида, танишу нотаниш манзиллар бўйлаб тарқатиш ҳамда кўнгли диний ақидапарастликка мойил кимсаларни "овлаш", йиғиш ва турли бузғунчи сайт ҳамда саҳифаларга жалб этишда, айниқса, кўп жонбозлик кўрсатди. Шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, 2019 йилнинг август ойида Украина давлатидан шум хабар келди. Маълум бўлишича, бузғунчилар раҳнамоси Абдулмўмин ушбу мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олинибди. Дониёр ва унинг мазкур мамлакатдаги шериклари катта таҳлика остида уни қай йўл билан бўлмасин, озодликка чиқариш чораларини излашди. Бу қабиҳ ният йўлидаги ҳаракатларни фаол бошлаб, бир қатор амалий ҳаракатлар, даъват ва ундов тадбирларини амалга оширишди. Бу ҳаракатда Дониёр янада фаоллик кўрсатади. Қўлга тушган бузғунчи раҳнамо "даъватчи"нинг инонган халоскори сифатида намоён бўлди. Шу аснода иғво тарқатувчи "Путник-путник" сайтини излаб топди ва тезда унинг "ишчан дастёри"га айланди. Ислом дунёсини ларзонга солиш, одамлар орасида қўрқув ва таҳлика уйғотиш, шу йўл билан Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа минтақаларида парокандалик вазиятини юзага келтиришдан иборат хатарли ҳаракатни бу жараёнда ҳам сусайтирмади, даъват амалларини узлуксиз уюштириб борди. Дониёрнинг яқин танишлари, синфдошлари: Достон Қутлимуродов, Жаҳонгир Ботиров, Баҳодир Омонов, Маҳмуджон Рўзиматов, Шуҳрат Жуманазаров, Нуриддин Кенжаев, Неъмат Қурбонниёзов, Шерали Султонов, Ғуломжон Болтаев, Фарруҳ Йўлдошев сингари ўнларча кишининг онгини заҳарлашга қаратилган уринишлар ана шу жараёнда амалга оширилди.



Албатта, бу сингари ҳолатларнинг бари мустақил Ўзбекистонимиз қонунчилигига зид ҳолат ва унга кўра, одамлар онгини турли ножоиз қарашлар, ғоялар, даъват, маъруза ва тарғибот-ташвиқотнинг бошқа воситалари орқали заҳарлашга йўл қўйилмайди. Элни саросимага солувчи, парокандаликка йўл очувчи, кишиларнинг хоҳиш-иродаси, эрки ва эркинлигини поймол этувчи қилмишлар қаттиқ қораланади. Бундай ҳаракатлар юртимиз конституциявий тузумига тажовуз, жамоат хавфсизлиги ва жамият тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш ёки тарқатишга қаратилган жиддий жиноий қилмиш сифатида баҳоланади. Бу янглиғ қилғиликни яшириш, сир сақлаш, хаспўшлашнинг эса, иложи йўқ. У бир кунмас, бир кун ошкор бўлади ва тажовузкорни ўз жирканч қилмишининг қидирмиши томон етаклайди.

Юртимиздаги ҳуқуқ-тартибот идоралари шу йил баҳор чоғи 1995 йил Боғот туманининг Миришкор қишлоғида туғилган Дониёр Абдуллаевнинг ақидапарастликдан иборат бир неча йиллик қилмишига чек қўйишди. Ўтган вақт мобайнида юз берган ножўя қилмишларнинг барча тафсилоти эса, суд ва тергов жараёнида ойдинлашди.

Айбланувчи Жиноят кодексининг Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилишга доир қилмишни назарда тутувчи 159-модаси 1 қисми (тузумга қарши даъват қилиш, шундай мазмундаги материалларни тайёрлаш, тарқатиш), жамоат хавфсизлиги ва жамият тартибига таҳдид солиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга оид 244-1-моддаси 1- ва 3-қисми "г" банди бўйича жавобгарликка тортилди. Суд ушбу айбни эътироф этса-да, муаяйн модданинг бир йўла 2 та банди, чунончи, 244-1-модданинг 1 ҳамда 3-қисмлари бўйича жазо тайинлаш масаласига бир мунча бошқача ёндашди. Кодекснинг жиноятлар мажмуига оид 33-моддасига амал қилди. Унга кўра, шахс содир этган қилмишда Жиноят кодекси айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлса, у ушбу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади. Суд ушбу талабга риоя этар экан, айбланувчи ўз қилмишига тўлиқ иқрорлиги, қилмишларидан пушаймонлиги, эндиликда хатти-ҳаракатлари оқибатини чуқур англаб етгани, ёшлиги, ҳали оила қуришга ҳам улгурмагани, ҳаётнинг тўғри ва равон йўллари томон интилаётганини инобатга олиб, унга нисбатан кодекснинг енгилроқ жазо тайинлашни назарда тутувчи 57-моддасини татбиқ қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади ва 3 йилу 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилди.

Инсон — ўткир ақлу-идрок, юксак фаросат соҳиби сифатида моддий борлиқ ҳамда саробий манзара орасидаги тафовутни дарҳол пайқамоғи даркор. Зеро, ўзини ақл-ҳуш эгаси санаган киши зинҳор саробни қувлаб умр ўтказмайди. У бор-йўғи алдамчи, адаштирувчи, йўлдан тойдирувчи, ўзига тортувчи, мафтун этувчи оҳанрабосимон манзара эканлигини дарҳол англаб етади. Афсус, Дониёр буни вақтида ўз ақли-идроки-ла фаҳмлаб етолмади. Излагани сароб эканлигини унга адолатпарвар қонун эслатганидан сўнггина кўзи мошдай очилди. Яна бир жиҳат: у ҳали ёш. Демак, келажаги ҳали олдинда. Ҳур фикрли тенгдошлари қатори ёркин истиқбол кутаяпти уни. У ана шу нурли саодат манзилини топа олармикан? Бизнингча, бари унинг ўзига боғлиқ. Бинобарин, эзгулик излаганлар — муродга, ёвузлик истаганлар эса, пушаймонлик кўчасига етишади. Буни унутмаслик даркор.

**Раъно КАМАЛОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судьяси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Турмуш чорраҳаларида*




## ота-она зиммасига алоҳида масъулият юклайди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Ахийри, эрининг кунаро бўлиб турган машмашаларидан тамомила безган Гулнозанинг ота хонадонига қайтиб келишдан бошқа чораси қолмади. Қарангки, бу ҳолдан жаҳл отига минган Шавкат фарзандларини Гулнозага бермай, ўзи билан олиб қолди.

Бинойидек бир ёш оила ва бегуноҳ фарзандларининг келажагини ўйлаб, уни сақлаб қолиш учун яқин қариндошлар, маҳалла кайвониларининг барча уринишлари ҳам зое кетди. Эр-хотин ўртасидаги вазият эса, шу даражага бориб етдики, фарзандларини кўриш учун эрининг хонадонига бир неча бор келган Гулнозага Шавкат қаршилик кўрсатиб, гулдек болаларини ҳам она меҳридан маҳрум қилди. Шундан сўнг Гулнозанинг эрининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, судга мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмади.

Суд ҳайъати эса, даъвогар Г.Сафарованинг даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Бинобарин, Оила кодексининг 75-моддаси 5-қисмига кўра, "ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-онанинг ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан, болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, ҳал этилади", дея қайд этилган.

Суд юқорида таъкидланган қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаган икки нафар, яъни 2012 йил 18 августда туғилган Нурматов Бунёдбек Шавкат ўғли ва 2015 йил 13 сентябрда туғилган Нурматова Ноила Шавкат қизини онаси, яъни даъвогар Г.Сафарованинг тарбиясига мажбурий тартибда олиб бериш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Мухтасар қилиб айтганда, оилада ҳаётимиз давомчилари, жамият келажаги бўлган фазандлар униб-ўсади. Ҳар бир ота-она, энг аввало, комил фарзандларни тарбиялашни ният қилар экан, умр йўлларида бунга риоя этсалар, болаларни меҳр ардоғида камолга етказсалар, келгусида, албатта, бунинг ширин маҳсулидан баҳраманд бўлишади. Аксинча, турли баҳоналар билан фарзандлар олдидаги масъулиятни ҳис этмаслик, уларни меҳр-мурувватдан маҳрум этиш эса, инсонга хос бўлмаган ва асло кечирилмас хатодир.

**Нодир ГАДОЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманлараро судининг раиси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

*МУАССИС:*
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

*Навбатчи муҳаррир:* Сардор ҲАМРОЕВ
*Саҳифаловчи:* Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
**Тел.:** (0 371) 241-01-56, 239-02-54
**E-mail:** kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-923. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5090
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 15.00. Топширилди: 18.30.